


Юн Сок Ёль, Корея Республикаси Президенти:

БИЗ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ЯГОНА АЛОҲИДА СТРАТЕГИК ШЕРИГИМИЗ ВА АСОСИЙ ҲАМКОРИМИЗ БЎЛГАН ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ДАВОМ ЭТАМИЗ

Корея Республикаси Президенти Юн Сок Ёль Ўзбекистонга амалга оширадиган давлат таширфи арафасида «Дунё» ахборот агентлигига интервью берди.



— **Жаноб Президент, суҳбатимиз айни пайтда чуқур трансформация босқичидан ўтаётган Ўзбекистонга давлат таширфингиз арафасида ташкил этилмоқда. Маълумки, ўз вақтида Корея Республикаси ҳам бундай ўзгаришлар жараёнини бошидан кечирган. Мамлакатимизнинг замонавий тараққиёти, Ўзбекистон раҳбарияти томонидан амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва демократик ислохотларни қандай баҳолайсиз?**

— Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси кўллаб умумий тарихий ва маданий хусусиятларга эга. Мен ҳамиша мамлакатингизга сафар қилишни орзу қилганман. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларидан ушбу таширфа тақдир олиш мен учун катта шарафдир.

Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларининг беқийс раҳнамолигида Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёда амалга оширилаётган ўзгаришлар ва инновациялар жараёнида етакчилик қилмоқда. Ўзбекистоннинг иқтисодий кўрсаткичлари, жумладан, ялпи ички маҳсулот, аҳоли жон бошига тўғри келадиган маҳсулот ҳажми, тўлов баланси ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими йилдан-йилга ўсиб бормоқда.

Мамлакатнинг юқори ўсиш салоҳиятига эга бозори, катта миқдордаги ишчи кучи ва геосиёсий аҳамияти уни халқаро компаниялар учун бизнес юритиш ва инвестициялар киритиш учун жуда жозибадор маконга айлантирмоқда. Мен келишдан олдин Тошкентни куш парвози баланглигидан томоша қилиш имкониятига эга бўлдим ва Ўзбекистон нақадар изчил ривожланаётганини кўрдим.

Ўтган йили эълон қилинган «Ўзбекистон — 2030» стратегиясига мувофиқ мамлакатда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ислохотлар изчил давом эттирилиб, янги муваффақиятларга эришилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш, иқтисодиётни либе-

раллаштириш ва хорижий компанияларни жалб этиш каби мақсадларни илгари суриб, миллий иқтисодиётни рағбатлантириш. Шунингдек, жамият ҳаётида коррупцияга қарши курашиш, қонун устуворлигини таъминлаш ва бошқа йўналишларни қамраб олган кенг кўламли ислохотларни амалга оширмоқда.

Бир пайтлар мутлақ қашшоқ мамлакат бўлган Корея Республикаси ташқи дунёга очилиш, иқтисодиётини либераллаштириш ва халқаро ҳамжамият билан яқин ҳамкорликда коррупцияга қарши курашиш орқали иқтисодий ва ижтимоий тараққиётга эришти. Ушбу тажрибага асосланиб, Корея Республикаси Ўзбекистоннинг ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича саъй-ҳаракатларини кўллаб-қувватлайди ҳамда бундан кейин ҳам республикани ижтимоий-иқтисодий ва демократик ривожлантиришда мамлакатингиз билан алоҳида стратегик шерик сифатида яқиндан ҳамкорлик қилади.

— **Бизнинг давлатларимиз учун иқтисодий ривожланиш ва ўсиш ташқи ҳамда ички сиёсатнинг устувор йўналиши ҳисобланади. Ўзбекистон хорижий инвестицияси учун эшикларини очмоқда, экспорт салоҳиятини оширмоқда, янада кенг-роқ кооперацияга эришиш ҳамда савдо алоқаларини чуқурлаштиришга интилоқда. Сиз ушбу соҳаларда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг истиқболлари ҳақида қандай фикр билдира оласиз? Нима ўзаро алоқаларни фаоллашувини рағбатлантириши ёки уларга тўсқинлик қилиши мумкин?**

— Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларини 2016 йилда Президент лавозимига киришигандан буён дадил ислохотлар ва очиклик сиёсатини юритиб, Ўзбекистонни мутлақо янги мамлакатга айлантирди.

Валюта сиёсатини либераллаштириш, божхона тўловларини камайтириш ва давлат қорхоналарини таркибий ўзгариштириш ўз ичига олган бозорни либераллаштириш бўйича қилинган чора-тадбирлар Ўзбекистон иқтисодиётини жонлантириш ва инвестициявий муҳитни яхшилашга ёрдам берди. Хусусан, ўтган йили тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 96,4 фоизга ўсиб, 7,68 миллиард долларга етди.

Корея Республикаси Ўзбекистон Республикаси билан 1992 йилда дипломатик муносабатлар ўрнатганидан бери автомобилсозлик, энергетика, маиший техника, тўқимачилик, молия, телекоммуникациялар ва бошқа йўналишлардаги иқтисодий ҳамкорлик кўламини кенгайтирди.

2019 йилда икки томонлама муносабатлар Марказий Осиёда ягона бўлган алоҳида стратегик шериклик макomini олди ва ўтган йил ўзаро товар айирбошлаш ҳажми рекорд даражадаги 2,46 миллиард долларга етди. Айни дамда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ҳар қачонгидан ҳам ўзаро манфаатли мазмун касб этган.

Бугун дунё мураккаб глобал инкирозга юз тутаятган экан, мен бундай вазиятни ўзаро иқтисодий ҳамкорликни янада диверсификация қилиш ва чуқурлаштириш, жумладан, муҳим фойдали қазilmаларни етказиб бериш занжирини ривожлантириш учун имконият деб ҳисоблайман. Ушбу таширф чоғида ҳукуматларимиз ва бизнес вакиллари ўртасидаги музокараларнинг амалий натижаларини кўришга умид қиламан.

— **Бугунги кунда Ўзбекистон минтақа мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш, яқин кўшнчилик муносабатларини мустаҳкамлаш воситасида Марказий Осиёни жипслаштириш ва унинг салоҳиятини юксалтиришга интилоқда. Бунинг самарасида Марказий Осиё халқаро майдонда тобора муҳим ҳамкор ва фаол халқаро кучга айланиб бормоқда. Сизнинг фикрингизча, ушбу жараёнлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларга қандай таъсир қилмоқда?**

— Бизга маълумки, Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларини минтақадаги кўшнлар билан шериклик муносабатларини мустаҳкамлашни мамлакат ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгилаб, минтақавий ҳамкорликда етакчи ўрин тутмоқда. 2018 йилда унинг ташаббуси билан ҳар йили ўтказиладиган формат — Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Мааслахат учрашувлари ташкил этилди. Биз, шунингдек, Ўзбекистон кўшни Қирғизистон ва Тожикистон билан чегара ва сувдан фойдаланиш масалаларига тўғри ечим топаётганини, халқаро ҳамжамиятнинг Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш борасидаги саъй-ҳаракатларида фаол иштирок этаётганини тан оламиз ва эътироф этамиз.

Марказий Осиё географик жиҳатдан Осиё ва Европа туташган ҳудудда жойлашган бўлиб, бой табиий ресурслар, жумладан, нодир фойдали қазilmаларга эга, унинг стратегик ва иқтисодий аҳамияти жадаллик билан ошиб бормоқда. Айни жиҳатлар минтақа макреининг ошишига ҳамда сўнгги пайтларда Марказий Осиё давлатларининг халқаро майдонда эътироф этилишига сабаб бўлмоқда.

Марказий Осиё билан ҳамкорликнинг муҳимлигини ҳисобга олиб, таширфимдан бироз олдин бизнинг ҳукумат «Корея Республикаси — Марказий Осиё K SILK ROAD (R.O.A.D) ҳамкорлик ташаббуси»ни эълон қилди. Ушбу ташаббус мамлакатимиз ва Марказий Осиё ўртасидаги 30 йиллик муносабатлар тажрибасига асосланмоқда ва жадаллик билан ўзгариб бораётган халқаро вазиятга жавобан янги ҳамкорлик режасини тақдим этмоқда.

Ушбу ташаббус Корея Республикасининг минтақангизга қаратилган биринчи стратегияси бўлиб, Корея ва Марказий Осиёда эркинлик, тинчлик ва фаровонликни биргаликда барпо этиш мақсадида «ёнма-ён» (биргаликдаги йўл) ривожланиш, «саъй-ҳаракатларни бирлаштириш» (конвергенция) ҳамда «инновация ва ижодкорлик» (креативлик) тамойилларига асосланади.

Хусусан, у энергетика ва ресурслар соҳасида стратегик шерикликни мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли иқтисодий муносабатларни ривожлантириш учун тараққиётга йўналтирилган ҳамкорликни модернизация қилиш, келажакдаги фаровонлик йўлида шериклик алоқаларини ўрнатиш ва бунга эришиш учун ҳукуматлар, бизнес ва фуқаролар ўртасида уйғун ҳамкорлик тармоқини мустаҳкамлашга қаратилган.

Келгусида Корея Республикаси ҳукумати Марказий Осиёнинг бешта давлати билан Марказий Осиё стратегиясини амалга ошириш бўйича маслаҳатлашувлар ва яқин ҳамкорликни давом эттиради. Айни пайтда минтақадаги асосий ҳамкор ва биродар давлат бўлган Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ва келажакка йўналтирилган ҳамкорликни янада мустаҳкамлайди.

— **Ўзбекистонда аҳолининг катта қисmini ташкил этувчи 30 ёшгача бўлган ўғил-қизлар қамолоти, уларнинг сифатли таълим-тарбия олиши, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш бўйича зарур шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таълим, фан ва юқори технологиялар соҳаларида ўзаро ҳамкорлик истиқболлар ҳақидаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.**

— Корея Республикаси ва Ўзбекистон бир-биридан узоқ масофада жойлашган бўлса-да, улар ўртасидаги илм-фан ва технологияларнинг илғор ютуқларини ўзаро алмашиш жараёни қадим ва дўстона тарихга бориб тақалади.

Ўрта асрларда Ипак йўлининг маркази саналган Самарқанд шаҳридаги Улуғбек расадхонасида тузилган астрономик жадваллар Корея ғарм оролига ҳам етиб борган ва XV асрда ўзига хос корейс таквимининг яратилишига асос бўлган.

Орадан 600 йилдан кўпроқ вақт ўтган, бугун Корея ва Ўзбекистон ҳукуматлари биргаликда Ўзбекистонда кимёвий технологиялар марказини (UzCCT) яратиш устида иш олиб бормоқда. Бу муассаса Корея кимёвий технологиялар илмий-тадқиқот институти (KRICT) тажрибалари асосида мамлакатда кимёвий технологиялар соҳасидаги тадқиқотлар ва ишланмаларни назорат қилувчи илмий-тадқиқот маркази макомига эга бўлади.

2023 йилдан буён 12 нафар ўзбекистонлик ёш магистрант ва докторант Корея фан ва технологиялар университети ҳамда Корея кимёвий технологиялар илмий-тадқиқот институти негизига ташкил этилган олий мактабда илғор технологиялар асосида таҳсил олмоқда. Бу ёшлар Ўзбекистондаги кимё-технология марказини бошқарадиган ва икки томонлама илмий-техникавий ҳамкорликка эга тадқиқотчиларнинг янги авлоди бўлиб етишади.

Бизнинг мамлакат Ўзбекистон билан илғор фан ва технологиялар, жумладан, АКТ, сунъий интеллект

учун яримўтказгичлар соҳасида илмий-тадқиқот ва ишланмалар ҳамда гуманитар алмашинувлар йўналишида ҳамкорликни мустаҳкамлаб, биргаликда Марказий Осиёда инсониятни илмий ва технологик ютуқларга етакловчи юқори технологияли хаб барпо этиш ва XXI асрнинг инновацион Ипак йўлини яратишга умид қилмоқда.

Бундан ташқари, аминманки, сунъий интеллект ва рақамли технологиялар даврида ҳар икки мамлакатнинг келажак авлодлари бир-бири билан турли ғоялар ва қадриятларни эркин алмашишлари мумкин бўлган ўзаро муштарак дунёга ашайдилар. Корея Республикаси бешларимизнинг рақамлаштириш соҳасига мослаштириш ёрдам бериш мақсадида рақамли таълимдаги инновацияларни фаол кўллаб-қувватлайди.

Мисол учун, биз 2025 йилдан бошлаб мактабларда қўлланиладиган миллий даражадаги «Сунъий интеллект билан рақамли дарслик» дастурини ишлаб чиққан дунёдаги биринчи мамлакат бўлди. Бу ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларидан келиб чиқиб таълим олиш имконини яратди. Шунингдек, биз рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқувчиларни ўқитиш учун ўқитувчиларнинг интенсив тайёргарлигига эътибор қаратяптимиз.

Корея Республикаси сунъий интеллект ва рақамли таълим соҳасида етакчи давлат сифатида Ўзбекистон билан истиқболда таълим жараёнлари интеграциялашган инновациялар ва рақамли таълим моделлари намуналари борасида ўртоқлашиш орқали ҳам ҳамкорлик қилади.

— **Корея Республикаси ҳам, Ўзбекистон ҳам кўна тарих ва бой маданиятга эга давлатлар сифатида ўзининг тарихий-маънавий меросини сақлаб келмоқда. Самарқанддаги қадимий Афросиёб деворларида Сўд давлати ҳукмдори томонидан турли мамлакатлардан, жумладан, қадимги Коғурё давлатидан келган элчиларни қабул қилиш маросими акс эттирилган суратлар халқларимиз ўртасида чуқур ва эҳдо кўна тарихий ришталар мавжудлигидан дарак беради. Бундан ташқари, бугунги кунда Ўзбекистондаги корейс диаспораси нуфуси қарийб 180 минг кишига яқин бўлиб, Ўзбекистонни улар чинакам Ватан сифатида билишади. Мамлакатимиздаги бошқа миллатлар қатори корейслар ҳам фидокорона меҳнат қилиб, мамлакатимиз тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшишмоқда. Шу жиҳатлар, қолаверса, замонавий маданий мулоқот ва унинг мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ривожига таъсири ҳақида нима дея оласиз?**

— Ўзбек халқи бундан 87 йил олдин Узоқ Шарқдан кўчиб келган корейлик ватандошларимизга қайноқ баридан жой бергани учун жуда миннатдорим.

Афросиёб музейидаги Корея элчисининг деворий суратлари эса мамлакатларимиз ўртасидаги яхши муносабатлар тарихи қарийб 1400 йилга бориб тақалишадиган дарак беради. Икки мамлакат ўртасида маданий меросни асраб-авайлаш соҳасидаги ҳамкорлик раванқ топаётганидан ва бу борада Ипак йўлининг юрти — Самарқанддаги Афросиёб музейи гувоҳлик бераётганидан мамнунман.

Ўзбекистонда 172 минг корейс истикомат қилади, бу Марказий Осиёда яшаётган 300 минг корейслар умумий сонининг энг катта қисминингидир. Корейс халқи ўзбек жамиятида аҳил-иноқ яшаб, ўзининг меҳнатсеварлиги билан Ўзбекистоннинг турли соҳаларида ривожланишига муносиб ҳисса қўшмоқда. Этник корейслар иккала маданиятни ҳам яхши тушунганиликлари сабабли, ўзларини ўзбек маданиятига, ўзбеклар эса корейс маданиятига яқинроқ ҳис қилишларига имкон берадиган боғловчи кўпrik вазифасини сидқидилдан бажариб келмоқдалар.

Таширф давомида Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларини билан турли йўналишларда, жумладан, энергетика ва инфратузилма, соғлиқни сақлаш ва тиббиёт, иқлим ва атроф-муҳит, фан-техника, таълим каби соҳаларда икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришни муҳокама



қилишни режалаштирганмиз. Мамлакатларимиз ҳақида чуқур билимга эга ва жамиятда фаол роль ўйнаётган Ўзбекистондаги корейс диаспораси икки томонлама ҳамкорликни янада юқори даражага кўтаришда, ўйлашгани, мустаҳкам воситига айланди. Корея Республикаси ҳукумати бундан буён ҳам ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш мақсадида корейс диаспорасига эътибор қаратади ва кўллаб-қувватлашни давом эттиради.

— **Мамлакатимизда таширфингиз арафасида Ўзбекистон, унинг халқи ҳамда Ўзбекистон — Корея Республикаси ҳамкорлигига қандай тилаклар билдирган бўлардингиз?**

— 1992 йилда дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён мамлакатларимиз ўртасида мустаҳкам ишонч ва дўстликка асосланган икки томонлама алоқалар ривожланди.

2019 йилда Корея Республикаси ва Ўзбекистон муносабатлари алоҳида стратегик шериклик даражасига кўтарилганидан кейин ҳамкорлигимиз янада яқинлик касб этаётди.

Айниқса, Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларининг 2021 йилда Корея Республикасига амалга оширган давлат таширфи, ўтган йили БМТ Бош Ассамблеяси доирасидаги учрашувимиз ҳамда Ўзбекистонга бўлажак давлат таширфим алоҳида стратегик шериклигимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бизнинг ҳукумат Марказий Осиёдаги ягона алоҳида стратегик шериклигимиз ва асосий ҳамкоримиз бўлган Ўзбекистон билан янада ўзаро манфаатли ва истиқболли ҳамкорликка эришиш учун дўстона муносабатларни ривожлантиришда давом этади.

Биз турли соҳаларда, жумладан, энергетика ва инфратузилма, муҳим фойдали қазilmалар, таъминот занжирлари, соғлиқни сақлаш ва тиббий хизмат, таълим, рақамлаштириш, фан ва технологиялар, иқлим ўзгариши ва атроф-муҳит каби соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтираман.

Шунингдек, Корея Республикаси билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар янада яқинлашиши учун халқларимиз ўртасидаги ишонч ва дўстликка асосланган гуманитар ва маданий алмашинувларни янада фаоллаштириш зарур, деб ҳисоблайман.

Ўзбекистон халқи ҳам Корея Республикасига нисбатан илиқ ва эзгу муносабатда.

Ўзбекистон халқи Корея Республикасига эзгулик ва барча яхшиликларни бундан кейин ҳам билдиради, деган умиддаман.

— **Жаноб Президент, маъмул суҳбат учун миннатдорлик билдиримиз, мамлакатимизда бўлажак таширфингиз самарали ва муваффақиятли бўлишини тилаймиз.**

— Раҳмат.

«Дунё» АА



САВОЛ: Баъзи корхоналар раҳбарлари «Менга шу тартиб ўнгайроқ» деган баҳона билан ходимларга иш ҳақи бўйича аванс пулини бермасдан, ойлик маошларини ҳар ойнинг дастлабки кунларидоғина беришини эшитиб қоламиз. Натижада ходимлар ойнинг охирига қадар моддий томондан қийналиб қолиши ҳам бор гап. Раҳбарларнинг шу иши тўғрими?

Рихситилла УМАРОВ
Яшнабод тумани

АВАНС ПУЛИ БЕРИЛМАСА...



ЖАВОБ: Корхона раҳбарларининг ходимларга иш ҳақини саволда кўрсатилган тартибда тўлаши қонунбузарлик деб баҳоланиши лозим. Яъни ходимларга иш ҳақини тўлаш муддатлари меҳнат қонунчилигида қатъий белгилаб қўйилган.

Жумладан, Меҳнат кодексининг 253-моддасига мувофиқ, ходимларга иш ҳақи тўлаш муддатлари жамоа шартномасида ёки ички ҳужжатда, улар мавжуд бўлмаганда эса меҳнат шартномасида шарт қилиб кўрсатилган муддатларда белгиланади ва ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмас.

Ходимларга ойлик иш ҳақи, қоида тариқасида, ўн олти кундан кўп бўлмаган танаффус билан икки қисмга бўлинган ҳолда (бўнақда ва қолган қисми миқдоридан) тўланади.

Истисно тариқасида, Вазирлар Маҳкамаси томонидан иш ҳақи ойига бир марта тўланадиган ходимларнинг айрим тоифалари белгиланиши мумкин.

Иш ҳақи тўланадиган кун дам олиш кунига ёки ишланмайдиган байрам кунига тўғри келиб қолганда иш ҳақи ушбу кунлар арафасида тўланади. Меҳнат кодексига ходимга иш ҳақи тўлашни кечиктирганлик учун иш берувчининг моддий жавобгарлиги ҳам кўзда тутилган.

Хусусан, иш берувчи иш ҳақини (шунингдек, ходимга тўланиши лозим бўлган бошқа тўловларни ҳам) тўлаш муддатини бузган тақдирда, уларни тўлов муддатидан кейинги кундан эътиборан то ҳақиқатда ҳисоб-китоб қилинган кунни ўз ичига олган муддатгача ҳар бир кечиктирилган кун учун Марказий банкнинг ўша вақтда амалда бўлган қайта молиялаштириш ставкасининг ўн фоизи миқдоридан келиб чиққан ҳолда фоизлар (пулли компенсация) билан бирга тўлаши шарт.

Ходимга тўланадиган пулли компенсациянинг миқдори жамоа шартномаси, ички ҳужжат ёки меҳнат шартномаси билан оширилиши мумкин. Мазкур пулли компенсацияни тўлаш мажбурияти иш берувчининг ойлик иш ҳақини ёки бошқа тўловларни тўлашнинг кечиктирилишида айби бор-йўқлигидан қатъи назар юзага келади.

Булардан ташқари, етарли асослар мавжуд бўлган ҳолларда ходимларга иш ҳақи тўлашни кечиктирганлиги учун иш берувчи маъмурий ёки иш ҳолатларига қараб, жиноий жавобгарликка ҳам тортилиши мумкин.

Ҳуқуқ ва халқаро
ҳаёт бўлими

Меҳнат хавфсизлиги, САЛОМАТЛИК ВА ИҚЛИМ

Ҳароратнинг ўзгариши, ёғингарчилик, шамол ёки бошқа об-ҳаво шароитлари, табиат ҳодисалари ходимлар соғлиги ва хавфсизлигига ҳамда касбий фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Иқлим ўзгариши билан боғлиқ бундай ҳолатлар, жумладан, табиий хавфлар бўйича ўтказилган тадқиқотлар уларни бошқариш дастурлари ва сиёсатини ишлаб чиқишда асқатади. Ходимларни иқлим билан боғлиқ хавфлардан ҳимоя қилиш эса иш берувчилар, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги мутахассислари, давлат идоралари мутасаддилари ва бошқаларнинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Иқлим ўзгариши умумий аҳолидан кўра, номутаносиб равишда бинолар ичкарасида ва ташқарида, яъни очик осмон остида ишлайдиганларга кўпроқ таъсир қилади. Масалан, фавқулодда вазиятлар соҳаси, тиббиёт, транспорт, коммунал хизматлар, хавфли ишлаб чиқариш объектлари ходимлари, ўт ўчирувчилар ва фермерлар ўз иш жойларидаги иқлим таъ-

сирига нисбатан анча сезувчанроқ бўлишади.

Иқлимга боғлиқ ноқулайликлар мавжуд соғлиқ ва хавфсизлик муаммоларини кучайтириши, янги хавфларни келтириб чиқариши эҳтимолдан холи эмас. Жамоатчилик олдини олиши мумкин саналган бундай хавф-хатарларга ходимлар дучор бўлишлари мумкин. Мисол учун, кўпчилик иссиқ ҳавода уйда қолишни аф-

зал кўради, аммо айрим ходимлар хизмат вазифасини бажариш учун ташқарида бўлишлари шарт. Шунингдек, иқлимга оид хавф-хатарлар ишда ҳам, уйда ҳам баъзи ходимларга таъсир кўрсатиши табиий. Бу, айниқса, сифатсиз уй-жой ёки бошқа ижтимоий ва иқтисодий чекловларга эга бўлган меҳнат муҳожирлари, норасмий кунлик ишчилар ва бошқаларга тааллуқли бўлади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ходимлар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган навбатдаги ахборот кампаниясини бошламоқда.

ИШ ЖОЙИДАГИ ХАВФСИЗЛИК

Ёз пайти очик ҳавода ишлаш чоғида ўзингизни иссиқдан сақланг.

Ёз келиб, кунлар узайиб борар экан, иссиқ кунда очик ҳавода ишлаш хавфи ҳам ортади. Бундай шароитда қандай қилиб хавфсиз ишлашни билиш иссиқлик стрессига дуч келишнинг ва иссиқ ўришининг олдини олишга ёрдам беради.

Жазирама иссиқда очик ҳавода ишлаш сизми? Барчаси сув, дам олиш ва соя-салқин билан боғлиқ.

Биз, айниқса, «акклиматизация» ёки иссиқ иқлимда ишлашга чидамликни босқичма-босқич ривожлантириш зарурлигини таъкидлаймиз.

Иссиқликни биринчи марта бошдан кечирётган ходимларда ёки меҳнатдаги узоқ танаффусдан кейин ишга қайтиб келганларда иссиқлик стрессига учрашга мойиллик бўлиши мумкин. Шу боис улар иқлимга мослашишлари лозим.

Жазирама вақтида ишловчи янги ва узоқ танаффусдан кейин ишга қайтган ходимлар, шунингдек, бошқалар учун ҳам иш юкини босқичма-босқич ошириш орқали юқорида қайд этилган натижаларга эришилади. Улар, айниқса, янги ходимлар, вақтинча ёки мавсумий ишлаётганлар, бир ҳафталик ёки ундан кўпроқ муддатли таътилдан ишга қайтганлар «акклиматизация», яъни иқлимга мослашишлари зарур.

Иссиқ ҳавода ишлашга секин, аммо барқарор ёндашувга қўшимча равишда қуйидагиларни таъкидлаш:

- Чанқамасангиз ҳам ҳар 15 дақиқада сув ичинг.
- Танангизни совитиш учун сояда дам олинг.
- Бош кийим ва очик рангли кийим кийинг.
- Иссиқлик касаллиги аломатлари пайдо бўлганда ва фавқулодда вазиятда нима қилиш кераклигини билиб олинг.

- Бирга ишлайдиган ҳамкасбларингизни кузатиб boring.
- Иссиқ шароитдаги ишнинг биринчи кунларида юқорида айtilган тавсияларни осонгина бажаришингиз ва бунга кўникишингиз даркор.

Иссиқлик хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилувчи ушбу чора-тадбирлар рўйхатини қуйидаги бир нечта фойдаланмаслар билан тўлдиримиз:

- Пахтали матодан тикилган, ҳаво ўтказадиган ва кенг бичимли кийимлар кийинг, ҳаво ўтказмайдиган синтетик либослардан эса воз кечинг.
- Оғир ишларни куннинг энг салқин пайтида бажаришни режалаштиринг.
- Ўта юқори иссиқлик ва намликда кўпроқ танаффус қилинг.
- Спиртли ичимликлар ва кўп миқдорда кофеин ёки таркибда шакар мавжуд ичимликларни ичишдан тийилинг.
- Ҳимоя кийими ёки шахсий химоя

воситалари иссиқлик стресси хавфини ошириши мумкинлигини ёдда тутинг.

Ҳурматли иш берувчилар! Ходимларингизни ва ўзингизни иссиқлик билан боғлиқ хавф-хатарлар - иссиқлик стресси, иссиқликдан ҳолсизланиш ва иссиқ ўришидан асранг. Иссиқ ҳавода қуёшдан химоя қилиш ва хавфсиз ишлаш усуллари бўйича юқоридаги маслаҳатларга қатъий риоя қилинг.

Навбатдаги мақоламизда бу маслаҳатларни қандай бажариш лозимлиги ва уларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритамиз.

Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнати муҳофазаси қилиш бўлими мудири

Тадбир

КАСАБА УЮШМАЛАРИ – БОЛАЛАР МЕҲНАТИГА ҚАРШИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши томонидан «Жайхун қуёши» болалар соғломлаштириш оромгоҳида «Болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича ўз мажбуриятимизни бажарайлик!» шиори остида тадбирлар ўтказилди.



Уларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши раиси Гулсара Қурбонбоева Янги Ўзбекистонда болаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг таълим-тарбия олишлари учун яратилган шарт-шароитлар, саломатлигини муҳофазаси қилиш борасида қўрилаётган чоралар ҳақида айтиб ўтди.

Оромгоҳда дам олаётган 200 нафар болажонга футболка ҳамда кепкалар совға қилинди. Таниқли спорт усталари ва маданият ходимлари иштирокида давра суҳбатлари, учрашувлар, концерт дастурлари ташкил этилди.

Оромгоҳда дам олаётган иқтидорли болаларнинг бадиий чиқишлари тадбирга байра-

мона руҳ бағишлади. Беш ижобий ташаббус доирасида «Менинг келажақдаги касбим» шиори остида расм чизиш танлови ўтказилди. Ғолиблар ва фаол иштирокчилар диплом ҳамда совғалар билан тақдирландилар.

Мухаббат ТЎРАБОВА
«ISHONCH»

Маълумот

ҚУРБОН ҲАЙИТИДА НЕЧА КУН ДАМ ОЛАМИЗ?

Президент Шавкат Мирзиёев «Муборак Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

Қарорга кўра, 2024 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи кунини 16 июнь - яшанбага тўғри келиши муносабати билан юртимизда 16 июнь Қурбон ҳайити байрами сифатида нишонланади.

Қурбон ҳайитининг биринчи кунини дам олиш кунига тўғри келиши муносабати билан ушбу дам олиш кунини 17 июнь - душанба кунига қўйилади, 18 июнь - сешанба кунини барча ходимлар учун қўшимча дам олиш кунини бўлади.

Спорт

Адабиёт оламига ловуллаб кириб келган суюкли ёзувчимиз Тоғай Мурод «Юлдузлар мангу ёнади» қиссасида кураш ва полвонлик қисмати, ўзбекнинг шижоати, жасорати ва қатъиятини шундай маҳорат билан тасвирлаганки, уни ўқисангиз, беихтиёр ўзингизни эл ори учун курашга бел боғлаган полвонлар даврасида бўлгандек ҳис этасиз. Бугунга келиб, «ҳалол», «чала», «ёнбош» деган ўзбекча сўзлар дунё ареналарида жаранглаётгани, миллий спортимиз ва полвонларимиз дунё аҳлига ҳалолликни ўргатаётгани билан эса ҳар қанча фахрлансак арзийди.



Эҳтимол, шундандир, мен қайси кураш мусобақасига бормаи, боя номи тилга олинган асар қаҳрамонлари кўз ўнгимда гавдаланаверади. Яқинда Навоий шаҳридаги «Сўғдиёна» спорт саройида юнон-рум кураши устаси Эбодулло Раҳмонов хотирасига бағишлаб ўтказилган вилоят ҳокими кубоги учун III халқаро турнирда ҳам худди шу ҳолат такрорланди. Махаллий ҳокимликлар, вилоят спорт ва ёшлар ишлари бошқармалари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг вилоят кенгаши ҳамда қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкиллаштирилган бу мусобақа иштирокчилари кўзаларидаги шижоатни кўриб, улар она Ватанимизнинг янги қиёфасини яратишга ҳам муносиб ҳисса қўшаётганларини илғадим.

Эбодулло Раҳмонов юнон-рум кураши бўйича Навоий шаҳридаги биринчи спорт устаси, вилоятдаги юнон-рум кураши мактаби асосчиси, дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш ишлари бошқармасининг Навоий вилояти масъул ташкилотчиси Нигора Мухаммадиева. – Устознинг мардлиги, олжа-ноблиги, инсонийлиги ва яхшиликлари ҳам кўпчиликка маълум. Шу боис турнирнинг очилиш маросимида вилоят ва шаҳар ҳокимликлари, сектор раҳбарлари, спорт бошқармаси ҳамда мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ва масъуллари қатнашдилар.

Турнирда юртимизнинг барча вилоятларидан, шунингдек, Тожикистон, Қозғистон ва Қирғизистондан келган 100 нафарга яқин спортчилар юнон-рум кураши йўналиши бўйича 55, 65, 80, 95 ҳамда 110 килограмм вазн тоифаларида ўзаро куч синашдилар. Ғолиблар Спорт вазирлигининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Умид ХУДОЙҚУЛОВ
«ISHONCH»

ПОЛВОНЛАРИМИЗ БИЛАН ҲАР ҚАНЧА ФАХРЛАНСАК АРСИЙДИ

«Хисорак» сув омбори билан боғлиқ ташвишли хабарлар, шукрки, тасдиғини топмади: бирор ҳудудни сув босмади, ҳеч ким жабрланмади. Аммо ҳолат бундай вазиятларда аниқ тизимнинг йўқлиги, бирор амалдор жавобгарликни зиммасига ололмаслиги ва энг муҳими, зарур ахборот танқислиги юзага келишини кўрсатди. Яна, минг афсуски, охир-оқибат ваҳиманинг олдини олганлар эмас, саросимага тушганлар айбдор қилинди.

ВОҚЕАЛАР ХРОНОЛОГИЯСИ

«Хисорак» сув омбори ҳақидаги илк хабарлар 10 июнь куни соат тахминан 17:00 атрофида тарқала бошлади. Дастлаб шунчаки сув сизиб чиқаётгани хусусидаги гап-сўзлар аста-секин «болабаб», тўғон ёрилгани ва катта миқдордаги сув пастга қараб эниб бораётгани тўғрисидаги ваҳималарга айланди.

Кўп ўтмай ўша нуктадан олинган видеолар ҳам пайдо бўлди: уларга қаралса ва маҳаллий аҳолининг реакцияси кузатилса, ўта катта ҳажмда сув отилиб чиқаётгани, бундай оқим олдинги йилларда кузатилмаганини англаш мумкин.

Худуд аҳолисининг ўз тураржойларини шошилинч ва оммавий равишда ташлаб чиқишга оид хабарлар соат тахминан 20:00 дан кейин кела бошлади. Албатта, бундан олдин ҳам уйларини ташлаб кетганлар бор эди. Аммо кўпчилик бирваракайига жўнаши илк хабарлардан бир неча соат кейин кузатилди. Яъни, ҳозир талқин қилинаётганидек, аҳоли дарҳол ваҳимага тушмади, сабр билан кузатиб турди. Бироқ юқорида қайд этилган муаммолар – бирор арзирли расмийнинг аниқ ахборот бермаслиги, вазиятни тушунтирмаслиги ва узук-юлук ҳамда ишончсиз хабарлар сабаб одамлар қаттиқ саросимага тушди.

Бу бежиз эмасди. Халқимиз азалдан сув балосини яхши билади. Сув омборлари биқинида доим ҳадик билан яшайдиган одамлар учун эса бундай вазиятда ҳар қандай гап асосли туюлиши табиий.

Фавқулдда вазиятлар вазириликнинг «Хисорак» сув омборига тегишли илк расмий хабари воқеалар шамолидан тахминан 6-7 соат ўтиб, соат 23:25 да эълон қилинди. Ўзбекиборлиси, унда авария ҳолати тан олинган ва сув сизиб чиқиши кузатилгани расман қайд этилганди.

Эълонда вазият тўлиқ назоратда экани таъкидланган бўлса-да, бу акс таъсир қилди – ҳадик саросимага, оддий гап ваҳимага айланиб кетди ва энди оммавий тарзда олатаси қочиш бошланди. Орадан бир соатдан ортиқ вақт ўтиб, Шахрисабз тумани ҳокими ва вилоят ФВБ раҳбари видеочиқиш қилиб, барча ваҳималар асоссиз эканини билдиришди.

Бу борадаги яқуний, расмий ва энг ишончли баё-



нот эса Фавқулдда вазиятлар вазири томонидан тахминан бир сутка ўтиб берилди.

ҲАММАСИ ХАЙРЛИ ЯҚУНЛАНГАН БЎЛСА, МУАММО НИМАДА?

1. Ахборот вакууми

Расмийлар воқеа ҳақида хабар топишлари биланоқ худудга шошилинч этиб борганларига шубҳа йўқ. Лекин мана шу жараёнларнинг ёритиб борилмаслиги, масалан, «Ҳоким (ёхуд вазир) воқеа жойига этиб борди ва мана шундай-шундай деди» каби тезкор ахборотнинг йўқлиги ёки кечиккани ваҳималар пайдо бўлишига асосий сабаб бўлди.

2. Бошқарувнинг ҳаддан зиёд марказлашуви

Бундай пайтларда раҳбарлар ҳам масъулиятни ўз зиммаларига олишни ўрганишлари лозим. Аниқки, бу вазиятда мутасаддилар юқорининг буйруғини кутишган. Яқуний видео, туман ҳокими ва бошқарма бошлиғининг баёноти ҳам вилоятдан келган кўрсатма

асосида янграганига шубҳа йўқ. Вазирнинг баёноти эса жуда кечикди.

3. Режалаштирилган ишлар эълон қилинмаслиги

Катта эҳтимол билан вулқондек отилаётган улкан ҳажмдаги сув бу йилги ёгин-сочили мавсумнинг ҳосиласи. Яъни бундай ташламалар ҳар йили амалга оширилган, аммо сезиларли бўлмаган. Тогдек сувнинг отилиб туриши ҳар қандай инсонда ваҳима уйғотишини кўра билмаган мутахассислар йўқлиги аён бўлди-қолди.

4. Бундай вазиятлар учун аниқ қўлланма йўқлиги

Ҳақиқий ёрилиш ҳолати олдин кузатилганидан кейин ҳам аниқ қўлланма асосида ишланмаётгани жуда ғалати. Яъни бундай вазиятларда ким биринчи воқеа жойига этиб бориши керак? Ўрганиш бўйича тезкор комиссияга кимлар кириши, у қандай хулосалар бериши зарур? Энг муҳими, эвакуация бўйича қарор ким томонидан ва қанча вақтда чиқарилади?

5. Ваҳима тарқатмасликка қақриққнинг ўзи – ваҳима

ХУДУД АХОЛИСИНИНГ ЎЗ ТУРАРЖОЙЛАРИНИ ШОШИЛИНЧ ВА ОММАВИЙ РАВИШДА ТАШЛАБ ЧИҚИШИГА ОИД ХАБАРЛАР СОАТ ТАХМИНАН 20:00 ДАН KEЙИН KEЛА БОШЛАДИ. АЛБАТТА, БУНДАН ОЛДИН ҲАМ УЙЛАРИНИ ТАШЛАБ KETГАНЛАР БОР ЭДИ. АММО KЎПЧИЛИК БИРВАРАКАЙИГА ЖЎНАШИ ИЛК ХАБАРЛАРДАН БИР НЕЧА СОАТ KEЙИН КУЗАТИЛДИ. ЯЪНИ, ҲОЗИР ТАЛҚИН ҚИЛИНАЁТГАНИДЕК АҲОЛИ ДАРҲОЛ ВАҲИМАГА ТУШМАДИ, САБР БИЛАН КУЗАТИБ ТУРДИ. БИРОҚ ЮҚОРИДА ҚАЙД ЭТИЛГАН МУАММОЛАР - БИРОР АРЗИРЛИ РАСМИЙНИНГ АНИҚ АХБОРОТ БЕРМАСЛИГИ, ВАЗИЯТНИ ТУШУНТИРМАСЛИГИ ВА УЗУК-ЮЛУК ҲАМДА ИШОНЧСИЗ ХАБАРЛАР САБАБ ОДАМЛАР КАТТИҚ САРОСИМАГА ТУШДИЛАР.

Вазият бўйича узил-кесил тасаввур пайдо бўлганидан кейин барча расмийлар «Ваҳима қилманглар» позициясига ўтиб олишди. Эртасига эса кўпчилик ҳадиқсирлаган ҳолат юз берди – ҳуқуқни муҳофаза қилувчилар аҳоли орасидан «Асоссиз хабар тарқатганлар»ни овлашга киришиб кетишди.

ХУЛОСА ЎРНИДА

Энди қўлимизни кўксимизга қўйиб айтайлик-чи, ваҳиманинг олдини олиши керак бўлган ҳаққоний ахборот шу қадар кечиккан бир пайтда одамлар кимга ишониши керак? Ўзингганига, қолаверса, кўрганига ишонишдан нима тўсиб туради?

Ахборот оламида «Ҳақиқат этигини кийгунча ёлғон дунёни айланиб чиқади» деган нақл асрларки, ишлаб келади. Вазиятга бошқа ракурсадан қараб кўрайлик – Худо сакласин, шу хабарлар рост чиққанда нима бўларди? Одамларни огохлантирганлар, қутқариб қолганлар қаҳрамонга айланишармиди? Шундай экан, ўз тинчини ва бошқаларни ўйлаб эҳтиёткорликка чақирган аҳолини айбдор қилишни эмас, ҳақоратсизлик ёки сусткашликка йўл қўйган масъулларни сўроққа тутиш зарур эмасми?

Ҳар кимнинг боласи ўзига азиз, ота-онаси ўзига тавбарруқ, жони ўзи учун ширин. Бир инсон уйини шоша-пиша ташлаб чиқиш қарорига қелиши осон эмас. Айниқса, минг машаққат билан топган мол-мулкни ташлаб... Демак, бундай пайтда «Ваҳима кўтарган»ларни овлаш ўрнига, саросимага асос бўлган вазиятни, уни туғдирган воқеалар силсиласини синчиклаб ўрганиш зарур.

Лекин бизнинг наздимизда, бундай қилинмаса керак. Зотан, иш битди, ҳаммаси тинчиди, яна бундай ҳолат бўлгунча...

Аброр ЗОҲИДОВ
«ISHONCH»

Халққаро ҳаёт



АФҒОНИСТОН МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ УЗВИЙ БЎЛАГИГА АЙЛАНАДИМИ?

Ёхуд Толибон ҳаракатининг террорчи ташкилотлар рўйхатидан чиқиши хусусидаги ўйлар

Афғонистон ҳа-миша Ўзбекис-тоннинг диққат марказида бў-либ келган дав-лат ва шундай бўлиб қолади. Чунки Афғонис-тондаги тинчлик-осойишталик, яхши кўшничилик, ўзаро иқтисодий, ижтимоий, мада-ний алоқаларнинг ривожини нафақат Ўзбекистонга, балки ушбу мам-лакат билан чега-радош барча дав-латлар, ҳатто бу-тун минтақа учун сув ва ҳаводек зарур. Зеро, тинч-лик бор жойда та-раққийёт ва юк-салиш бўлади, халқнинг эртанги кунга ишончли ор-тади.



лотлар рўйхатидан чиқарганини эълон қилди.

Хўш, бир-бири билан узвий боғлиқ ушбу икки баёнот ортида қандай мақсадлар бор?

Аваллаббор, толиблар Афғонистонни уч йилдан буён бошқариб келяпти. Ташқи кучлар бу ҳукуматни ҳали-хануз тан олмаётган бўлса-да, мамлакатда яхшими-ёмонми, давлатчилик унсурлари кўзга ташланыпти. Бугун Афғонистонда нисбатан барқарорлик бор, коррупцияга қарши курашил-япти, бизнес ривожланыпти, кишлоқ ҳўжалиги тикланыпти, иқтисодий муносабатлар шаклланыпти, солиқ тизими ишланыпти, қолаверса, гиёҳванд моддаларни етиштириш ва сотиш, истеъмол қилиш тақиқланди.

Шу билан бир қаторда, мамлакат ўз инфра-тузилмасини яратиш, логистикани яхшилаш, энергетикани тиклашга муҳтож. Айни бир шароитда Россия, Қозғистон каби давлатлар, жумладан, Ўзбекистон учун ҳам Толибон ҳаракатини де-юре террорчи ташкилотлар рўйхати-дан чиқариш зарурати юзага келди. Чунки толиблар бу рўйхатда бор экан, у билан ҳар қандай алоқалар мавжуд қонуларга зид бўлур эди.

Хуллас, БМТ санкциялари остида қолган Толибон ҳаракати билан боғлиқ вазият бугун аввалгисидан тубдан фарқ қилади ва унинг террорчи-лар рўйхатида бўлиши фақат қийинчиликларни келтириб чиқаряпти.

Дастлаб Толибон халқаро санкцияларга дучор бўлган ва террорчилар рўйхатига ўз ҳаракатлари учун эмас, балки бошқа террористик ташкилотларни қўллаб-қувватлагани учун ҳам киритил-ган. Масалан, Ал-Қоида вақиллари Афғонистон-дан бошпана топган эди.

Албатта, Толибон фундаменталистик ҳара-кат бўлган ва шундай бўлиб қолади. Лекин ҳо-зир ҳам, Афғонистоннинг илк Исломиий Амирлиги даврида ҳам улар очик-ойдин террорчилик ҳа-ракатларидан узоқлашган. Толибон Ал-Қоида ва ИШИДдан фарқли ўлароқ, ҳеч қачон дунё тарти-бини бузиш ва «глобал жиҳод» тарафдори бўлма-ган. 1990-йиллардаги биринчи давлатчилик дав-рида улар Саудия Арабистони, БАА ва Покистон билан дипломатик алоқаларни давом эттирган-лар. Ўшанда кўшни Туркменистон ҳам уларни тан олиш арафасида эди.

Айни пайтдаги вазият ҳам Толибоннинг кўшни давлатларга назариявий экспансияси ҳақидаги барча хавотирлар ўринсиз эканига умид бағиш-ляяпти. Толибон ҳаракати Афғонистон ёнидаги давлатлар билан яхши кўшничилик муносабат-ларини ўрнатиш ниятида эканини намойиш эт-моқда.

Табиийки, 2021 йилнинг августида Толибон ҳокимиятга қайтгандан буён Афғонистон ҳа-ли-ҳамон жиддий иқтисодий, гуманитар ва ижти-моий муаммолар гирдобидан чиқа олгани йўқ. Мамлакат иқтисодиёти санкциялар, халқаро кў-макнинг тўхтатилиши ва молия тизимининг ку-лаши оқибатида инқирозга учраган. Аҳолининг катта қисми ўта қашшоқликда яшайди, бу вазият Толибоннинг аёлларга қўйган чекловлари ва уларнинг ижтимоий ҳаётдаги иштироки туфайли янада оғирлашган.

Ушбу қийинчиликлар фониди Толибон репрес-сив тактикалар ва оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти устидан қаттиқ назорат ўр-натиш орқали ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқда. Хогин-қизларнинг мавқеини яхшилашга қаратилган айрим чора-тадбирлар, хусусан, уларнинг никоҳ ва мерос ҳуқуқларини химоя қилувчи қарорлар қабул қилинганига қа-рамай, аёлларнинг таълим олиши ва иш билан таъминланишига чекловлар сақланиб қолмоқда.

Афғонистондаги вазият кўшни давлатларга, жумладан, Ўзбекистонга ҳам жиддий таъсир кўр-сатади, албатта. Хўш, ушбу таъсирнинг ижобий ва салбий жиҳатларини нималарга кўриш мум-кин?

Биринчидан, геосиёсий имкониятлар: Афғонис-тон халқаро майдонда яқкаланиб қолаётган бир шароитда Ўзбекистон воситачилик қилиш ва мин-тақда барқарорлиқни сақлашга муҳим роль ўй-наши мумкин, бу мамлакатимизнинг халқаро майд-дондаги мавқеини мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон Афғонистонни қайта тиклашда иштирок этиш, энергетика, транспорт йўлаклари ва логистика ёрдамиан тақлиф қилиш орқали ўзининг иқтисодий ва савдо таъсирини кенгайти-риши мумкин.

Иккинчидан, Ўзбекистон ўз чегараларини мустаҳкамлаш ва терроризмга қарши ку-раш чораларини тақомиллаштириш имко-ниятига эга, бу эса мамлакат ичкарисида ва умум-ан минтақда барқарор вазиятни юзага келти-ради.

Хатарларга келадиган бўлсак, АҚШ Тинч-лик институти экспертларининг фикрича, Афғо-нистонда турли террорчи гуруҳларнинг мав-жудлиги мамлакатимиз хавфсизлигига бево-сия таҳдид солади. Бу гуруҳлар Афғонистондан минтақда террорчилик ҳужумларини режа-лаштириш ва амалга ошириш учун база сифатида фойдаланиши мумкин. Шунингдек, Афғонистон-дан келаётган қочқинлар оқими Ўзбекистоннинг ижтимоий ва иқтисодий ресурсларига босим ўт-казмоқда. Мамлакат катта молиявий ва маъму-рий ҳаракатларни талаб қиладиган қочқинлар сони ортиб бораётганига дош беришга мажбур. Қолаверса, Афғонистонга нисбатан қўлланила-ётган санкциялар ва иқтисодий инқироз мамла-катлар ўртасидаги савдога салбий таъсир кўрс-атади. Афғонистон Ўзбекистон учун муҳим савдо шериги бўлиб келган ва иқтисодий беқарорлик савдо ҳажмини камайтириши ҳамда иқтисодий ҳамкорликка тўсқинлик қилиши мумкин.

Аммо Ўзбекистон Афғонистон билан кенг қўламли ҳамкорлик тарафдори. Ўзбекистон Афғонистонга озиқ-овқат, дори-дармон ва энг за-рур махсулотлар каби инсонпарварлик ёрдами жўнатиб келяпти. Бу чора-тадбирлар гумани-тар инқирозни юмшатиш ва Афғонистон халқи-нинг турмуш шароитини яхшилашга қаратилган. Мамлакатимиз Афғонистон билан савдо алоқала-рини фаол ривожлантирмоқда. Мамлакатлар ўр-тасида савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни ривожлан-тиришга хизмат қилувчи қўшма иқтисодий зона-лар ва транспорт йўлакларини яратиш ҳақида

шартномалар бор. Хусусан, экспорт-импорт ва транзит юк ташишларни қўлайлаштириш мақса-дида Термиз шаҳрида Афғонистон билан чегара-дан 2 километр узоқликда салкам 50 гектар май-донда божхона терминалига эга «Термиз Карго» халқаро логистика маркази ташкил этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Афғонистонга электр энергиясини етказиб бераётган асосий давлат-лардан бири саналади. Хусусан, мамлакатимиз йилга 2 млрд. кВт/соат электр энергияси етказ-иб бераётган бўлса, ундан кейинги ўринларда Тожикистон (1,2 млрд. кВт/соат), Эрон (724 млн. кВт/соат) ва Туркменистон (658,8 млн. кВт/соат) туради.

Афғонистон худудида мамлакатимизнинг бе-восита иштирокчида узунлиги 260 км. бўлган «Сурхон – Пули-Хумри» 500 кВт электр узатиш линиясини қуриш лойиҳасини амалга ошириш ҳам режалаштирилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Афғонистон ҳуду-дида Жанубий Осиё темир йўл тизимини Марка-зий Осиё ва Евроосиё темир йўл тизимлари бил-лан боғлайдиган муҳим аҳамиятга эга «Мозори Шариф – Қобул – Пешовар» темир йўли қури-лиши лойиҳасини амалга оширишдан манфаат-дор. Бу темир йўл Ўзбекистон ва Марказий Осиё-нинг бошқа мамлакатларига Покистоннинг Ка-рачи, Қосим ва Гвадар денгиз портларига чиқиш имконини беради, шунингдек, юк ташиш вақти ва нархини сезиларли даражада камайтиради. Дастлабки ҳисоб-қисобларга кўра, лойиҳа тўлиқ амалга оширилса, Покистондан Ўзбекистонга юк ташиш 35 эмас, 3-5 кун давом этиши, битта кон-тейнерни ташиш нархи эса қарийб 3 баробарга арзонлашиши мумкин. Бундай лойиҳаларнинг амалга ошиши минтақа давлатлариға фақат ва фақат манфаат олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, Толибон ҳаракатини террорчи ташкилотлар рўйхатидан чиқа-риш масаласи минтақа давлатлари кун тар-тибига чиқишининг ўзиёқ Марказий Осиё та-раққиёти ва тинчлиги йўлида ташланган улкан қадамлардан бири, десак, мубоғлаа бўлмайди. Қолаверса, бу Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев илгари сураётган минтақа давлат-лари, хусусан, Афғонистон билан яхши кўшничи-лик, биродарлик, барча соҳаларда самарали ҳам-корликни халқаро қонунчилик ва ўзаро дўстлик ҳамда ишонч асосида ривожлантириш сиёсати-нинг асл мевасидир.

Ўзбекистоннинг Афғонистон билан сав-до-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришдан, инфратузилма ва ижтимоий лойиҳаларни илгари суришдан кўзлаган асосий мақсади – тинч та-раққиёт йўлида собит кўшни давлатни қуришга кўмаклашиш, унинг тинч, фаровон, террорсиз, уруш ва гиёҳвандликдан холи давлат сифатида жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви учун шароитлар яратишдан иборатдир. Бу эса Мар-казий Осиё минтақасидаги барқарорлик ва та-раққиёт учун жуда муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонгир НАҲАНОВ
«ISHONCH»



Анча йиллар бу-
рун бир таниши-
миз жуда ғамгин
ҳолда бизни-
кига келди. Ўғ-
лини ўқитишга
қўли калталиқ
қилаётганини
айтиб, отамдан
ёрдам сўради.
Отам унга мод-
дий жиҳатдан
кўмаклашиб,
оиласидан тез-
тез хабар олиб
турди.

Одамни мансаб эмас, яхшилик тўрға элтади

Вақти-соати етиб, йигит ўқишни би-
тирди. Тез орада ишлари юришиб ке-
тиб, юқори лавозимга тайинланди.
Ана шунда отаси «Амал етди кўрга, югу-
риб ўтди тўрға» қабилида иш тутиб, бизга
ва кўни-қўшнилариимизга паст назар би-
лан қарайдиган, давраларда бошқаларни
камситиб гапирадиган одат чиқарди. Бироқ
кейинчалик нимадир бўлиб, ўғли амал
курисидан айрилгач, унинг калондимог-
лик «сафари» ҳам қариди. Факат ўғлининг
шарофати билан ошиғи олчи бўлган пайт-
ларда одамларни менсимагани, кўпчилик-
нинг дилини оғритгани туфайли эл наза-
ридан қолиб, ҳатто тўй-маъракаларга ҳам
айтилмайдиган бўлди.

Таажжуб, баъзи кишилар амалдорга ай-
ланса, нега босар-тусарини билмай қоли-
шади? Нега «катта»ларга қуллۇқ қилиб,
бошқаларни оёқ учига кўрсатишга ружу
қўйишади? Наҳотки, улар шу даражага
эришгунча олган таълим-тарбиясини, ўр-
ганган инсоний фазилатларини шунчалик
тез унутишса?..

Энг ачинарлиси, бундай кимсалар
қавм-қариндошларимиз ва дўст-биродар-
ларимиз орасида ҳам учраб туради. Устига-
устига, биз юзхотир қилиб, янаям аниқроғи,
ўзбекчиликка бориб, уларга нафс ва мод-
диятга қул бўлиб қолишганини, одамгар-
чиликни унутишаётганини айтмаймиз. Бе-
гона бўлса, «Уни тўғри йўлга солиш менга
қолибдими?» қабилида иш тутамиз. Оқи-
батда бундай иллатлар жамиятда илдиз
отиб, палак ёйишига сабабчи бўламиз.

Албатта, юқори лавозимда ишлаётган-
лар сафида халқ дардини ўзиники деб
биладиганлари, одамларни катта-кичик-
лигига ёки бой-камбағаллигига қараб
ажратмайдиганлари, қариндош-уруғчи-
ликка ва таниш-билишчиликка йўл қўй-
майдиганлари ҳам кўп. Уларни кўрғанда
ёки эслаганда, кўнглингиз ёришади, хуш-
муомаласи, ночор кишиларга кўрсатаёт-
ган ёрдами, эл-юрт манфаати йўлидаги
савобли ишлари учун раҳмат айтгин-
гиз, бошқаларга ўрнат қилиб кўрсатгин-
гиз келади. Қолаверса, бундай инсонлар-
вар ва халқпарвар инсонлар вафот этиб
кетганларидан кейин ҳам эзгу амал-
лари узоқ йиллар унутилмайди, аксинча,
ҳар доим тилдан тилга ўтиб, қалбларга
меҳр-оқибат уруғларини сочаверади.

Мафтуна УБАЙДУЛЛАЕВА

— Эълонлар

«YO'L-LOYIHA BYUROS!» МЧЖ
Бош директори лавозимига тан-
лов эълон қилинади! Номзодларга
қўйиладиган талаблар тўғриси-
даги қўшимча маълумотлар учун
кадрлар бўлими **телефон рақами:
+998 90 984 44 17.**

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томо-
нидан 2003 йил 29 августда Тошкент шаҳар
«Меһр Козда» маркази номига берилган
№363-сонли гувоҳнома йўқолгани сабабли
бекор қилинади.

Долгополова Надежда Григорьевна но-
мига 16.02.1993 йилда берилган Юнусов
тумани, 6-мавзе, 5-уй, 26-хонадонга эга-
лик қилиш ҳуқуқини берувчи №10-01/7491
рақамли давлат ордери ҳамда кадастр хуж-
жатлари йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Қўшничилигимиз БОР БЎЛСИН

Бувим бу гапни кўп такрорлайди. Болалигимда унинг мағзини
чақмаган эканман. Энди тушуниб етдим. Бу ибора, ҳақиқатан
ҳам, ёнғоқдек мағизли – ҳикматли экан. «Уй олма, қўшни ол!»
деган нақл ҳам бежиз айтилмаган экан.

Хўш, қўшничилик қачон билинади? Яхши ва ёмон кунда,
албатта. Бундай дейишимга сабаб бор.
Бир куни қўшни аёл қаттиқ бетоб бўлиб қолди. Буви-
жоним иссиқ шўрва тайёрлаб, уникага олиб чиқишмни бу-
юрди. Уч кундан сўнг қўшни хола тузалди. Анча вақтгача бу-
вим пиширган шўрва сабабли соғайиб кетганини ҳаммага ай-
тиб юрди. Мен унинг гапларини эшитиб, меҳри дарё бувим
борлигидан ғурурландим. Ва тушундимки, ёнингда яқинла-
ринг ва қўшниларинг борлиги энг катта бахт экан!

Бундай меҳр-оқибат бошқа кўплаб қадриятларимизда
ҳам кузатилади. Масалан, ҳозир Қурбон хайити яқинлаш-
моқда. Ундан олдин – арафа оқшомида қўшнилар бир-бир-
ларини турли таомлар ёки ширинликлар билан йўқлайди,
қўрбонлик қилади ва кам таъминланган оилаларга тарқа-
тади. Орадан неча асрлар ўтган бўлса-да, бу анъаналар
ўзгармаган. Аксинча, ҳали-ҳануз инсонлар бир-бирига
меҳр-оқибатли бўлишга, ўзаро муносабатлари янада мус-

Ishonch



Кийин томони, нимадир
ёзиш учун ака билган
манбалар билан тани-
шиш ва у ўқиган китобларни
ўқиб чиқиш, ўзининг аураси-
дан чиқиб, сал баландроқ кўта-
рилиш керак. Афсуски, бугунги
кунда бу ноёб хислат.

Беш йиллар аввал мен акани
замонавий «Адабиётимиз син-
чиси» деб атагандим. Ўтган вақт
ичида бу фикрим янада муста-
тахкамланди: ака сўзларининг
тишини очиб кўриб, синчилик
қилганларнинг ҳаммаси адаби-
ётнинг ё у, ё бу буржида қалам-
ларини қайраб ётибди. Ҳар бири-
нинг ўз даввоси, ўз иддаоси бор.

Бошқаларни билмадим, ле-
кин истеъдодлиларнинг даъ-
вогарлиги ортида нимани-
дир ўзгартириш, янгилаш иста-
гаи ётади. Масалан, аканинг
тенгдошлари ҳали ҳам юз йил
аввалги модернизм билан ку-
рашиб, чегарачилар каска-
сини кийиб, уни миллий ҳудуд-
дан ҳайдаб чиқаришга уриниб
ётганида, Қозоқбой Йўлдош
«постмодернизм», «метамод-
дернизм» деб, уларнинг бат-
тар гашини келтиради. Лекин,
ҳақиқат шуки, фикрнинг қариб
қолиши адабиётшунослик учун
энг катта фожиа: қари фикр
шол одамга ўхшайди. Жони
бор, кўзи очик, лекин ярим
тана қимирламайди, қимирла-
ган аъзоси ҳам ҳаракатсиз тана
билан ҳисоблашишга мажбур.

Аслида ҳаётнинг бевосита
ёки билвосита инъикоси бўлган
факат адабиёт эмас, ёзувчининг
воқеликни акс эттириш, оламни
қабул қилиш йўсинига, ижодкор
дунёқарашига қараб, адабиёт-
шунослар ҳам турли фалсафий-
эстетик муносабатини ёзганла-
рида ифода этади, ҳимоя қилади.
Бу адабиёт илмида табиий сана-
лади. Бадиий-эстетик дунёқараш
аслида шахснинг дунёқараш,
табиати ва тийнати билан ҳам-
барчас боғлиқ. Ҳар қандай ижод-
кор, у адбими, шоирми, адабиёт-
шуноси, ёзганларида аслида ўз
дунёқарашини ифода этади ва
ҳимоя қилади. Агар шунга кўра

“

Менинг кузатганимдан билганим шуки, Қо-
зқбой Йўлдош табиийлики, жайдариликни
яхши кўради. Бу унинг фикри ва мулоҳаза-
ларида, бадиий-эстетик қарашларида ҳам сези-
лади. Қозққбой Йўлдошнинг жаҳон адабиёти-
даги аъаналар ва услубларнинг миллий адаби-
ётда синтезлашувини инкор қилмаган ҳолда,
кўпроқ табиий ифодага, табиий бадиий му-
шоҳадага мойиллиги бор.

таҳкамланишига хизмат қилиб келмоқда.

Бизнинг оилада ҳам ажойиб анъана бор. Эрта саҳардан
ҳайит намозига борган отам ва акаларим уйга қайтишларида
бизга турли совғалар, қўшни болаларга эса ширинликлар
олиб келишади. Болаларнинг ўша пайтдаги қувончини сўз би-
лан таърифлаб бўлмайди.

Бас, шундай экан, асрлар оша мерос бўлиб келаётган
қадриятларимизни, жумладан, қўшничилик анъаналарини
ҳам кўз қорачиғидек асраб-авайласак ва келгуси авлодларга
ўргатиб борсак, нур устига нур бўлар эди.

ЖАМОАТ МУЛКИ – ҲАММАМИЗНИКИ!

Ҳар куни жамоат жойлари ёки транспортдан фойдаланамиз.
Аммо ҳар доим ҳам улардан фойдаланиш қоидаларига тўлиқ
риоя қилавермаймиз.

Тунов куни кутубхонага бораётиб, бир кишининг кўчада
юрish маданиятига мутлақо амал қилмаётганига гу-
воҳ бўлдим. У ёши катта бўлса-да, ёш болалардек pista
чакиб, пўчоғини бемалол ерга ташлаб кетаётган эди.

Эртаси куни хиббондаги скамейкага ўтириш олдида
унга бирров разм солдиму ҳайратдан ёқа ушладим. Чунки
ўриндикнинг тахталари пичоқда ўйиб битилган ҳамда руч-

Қозққбой Йўлдошга баҳо беради-
ган бўлсак, унда аканинг дунёқа-
раши жаҳон адабиёти ҳудудлари
қадар кенг эканини сезамиз.

Менинг кузатганимдан бил-
ганим шуки, Қозққбой Йўлдош
табиийлики, жайдариликни
яхши кўради. Бу унинг фикри
ва мулоҳазаларида, бадиий-
эстетик қарашларида ҳам се-
зилади. Қозққбой Йўлдошнинг
жаҳон адабиётдаги аъанала-
рлар ва услубларнинг миллий
адабиётда синтезлашувини ин-
кор қилмаган ҳолда, кўпроқ та-
биий ифодага, табиий бадиий
мушоҳадага мойиллиги бор. Бу
мойиллиқ аканинг миллатга
бўлган эътиқоди билан боғлиқ.
Шу сабабли ҳам аканинг адаби-
ётга доир ҳар бир мақоласида
объект қилиб олган асаридан
миллат дарди ва оғриқларини
излаш, бу оғриқларнинг илди-
зини очиш, умуммиллий изти-
робларни таҳлил қилиш усту-
ворлик қилади.

Адабиётшунослик – бу асар
ҳақида янги асар ёзиш-
дир, деганди қимдир.
Камю айтганмиди ёки Мар-
кез, ҳозир эсимда йўқ. Шундан
бўлса керак, ака адабиётшу-
носликни асарнинг сояси, деб
билмайди, балки асар орқали
ўзининг қарашларини ҳам ўр-
тага ташлайди, адабиётшуно-
сликни олимликдан кўра кўпроқ
ижод жараёни деб билади,
кўз тиккан асарини фақат таҳ-
лил қилмайди, шу асар баҳо-
насида, ҳудди бадиий асардаги
каби ўзини қийнаган муаммо-
ларга ва саволларга жавоб ҳам
излайди. У тадиққ қилган ёки
фикр билдирган асарлар ҳақи-
даги мулоҳазалар – шу асар-
нинг бадиий ёки ижтимоий
қўлаидан келиб чиқадиган ҳу-
лосаларига эмас, балки асар
воситасида Қозққбой Йўлдош-
нинг ижодкор сифатидаги ин-
дивидуал қарашлари баёни
ҳам. Менимча, бу ҳолат акани
кўплаб адабиётшунослардан
фарқлаб туради.

Адабиётшуносликда услуб-
лар, ёндашув, таҳлил усуллари,

қутблар, назариялар
кўп. Лекин унинг битта
олтин қоидаси бор: у
ҳам бўлса, адабиётшу-
носликни бўйнига олган
ҳар бир олим ё истеъдод
қутбида ёки манфаат
тарафида туради. «Ман-
фаат» деб атаганимиз
ичига ўзининг манфаа-
тидан тортиб, эътиқоду
қарашлар манфаатини
ҳам қамраб олади. Ким-
дир адабиётни эътиқод
тарафида туриб ҳимоя
қилади, эътиқодида
мос келмаганини тан
олмайди, нари борса,
ўзини адолатли кўрса-
тиб, эътиқодида тўғри
келмаган истеъдодга
бефарқ бўлади. Замон
манфаати тарафида турган-
лар қўлига замон берган ўлчов-
лар тарозисини ушлаб олади
ва ҳудди «Ҳасан Кайфий»даги
солиқчининг тоғорасидек, ҳар
бир истеъдодга шу ўлчамни ту-
тиб, баҳо беради, яъни «сифс
ҳам бир танга, сифмас ҳам бир
танга». Ўзининг манфаати тара-
фида турганлар эса ўзи мансуб
ғуруҳнинг хоҳиш-иродасини ўл-
чам қилиб олади. Мен билган
ва кузатиб борадиган Қозққбой
Йўлдош ҳамиша истеъдод та-
рафида тургани билан бугунги
адабий жараённинг алоҳида
хурматини қозонган. Ака бу ис-
теъдод гарчи ўзи мансуб
«ман-
фаат»га зид йўналишда бўлса
ҳам, барибир, истеъдоднинг
ўзига хослигини кўришга ва
баҳо беришга, холис туришга
интилади. Шу жиҳати билан Қо-
зққбой Йўлдошнинг қарашлари
ёшлардан тортиб, бугун адаби-
ётнинг тирик ҳайкалларига ай-
ланган ёки айландим, деб ўйла-
ётганларга ҳам бирдек маъқул
келади.

Умуман, Қозққбой Йўлдош-
нинг хоҳ адабиётшунослик, хоҳ
ижтимоий мавзудаги чиқиш-
лари бўлсин, фикри ва қарашла-
рида ёшларга хос бўлган ши-
жоат, билимга, китоб ўқишга
ташналик, эскирганларни ян-
гилашга иштиёқ ва интилиш
билиши туради. Бу эса яна бир
мартта фикрлаётган одам ҳеч
қачон қаримаслигини исбот қи-
либ туради.

Қозққбой Йўлдош 75 ёшга
кирди. Лекин буни аканинг ўзи
тан олармикин?
Тўғриси, бунга менинг
шубҳам бор. Мен негадир ҳар
доим аканинг паспортида кўр-

Назар ЭШОНҚУЛ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган
маданият ходими

қада ёзилган ёзувлар билан «сайқалланганди». Қизик, жа-
моат мулкига зарар етказиб, ўзидан «тарихий эсдалик» қол-
дирганлар уйларидаги жиҳозларга ҳам шунақа ёзувлар би-
тармиканлар?!

Холбуки, аксарият мамлакатларда бундай ножўя ишга
қўл уришмайди. Масалан, Японияни олайлик. Маълумки, бу
мамлакат яхши ривожланган, шаҳарлари тоза, аҳолиси ўта
тартиб-интизомли. Аҳамиятлиси, улар нафақат ўз юртидаги,
балки дунёдаги жамоат мулкига ҳам катта ҳурматда бўли-
шади. Ҳудди шу босис бундан салгина олдин Қатар мезбон-
лик қилган футбол бўйича жаҳон чемпионати ўйинларидан
сўнг япон томошабинлари стадионда ўзлари ўтирган ўрин-
дикларни эринмай тозалаб, ҳаммани ҳайратга солишганди.

Менимча, биз ҳам ўртимизда аҳолига яратилаётган шаро-
итлар ва қўлайликлар учун шукрона айтиш баробарида жа-
моат мулкига ана шундай муносабатда бўлишимиз лозим. Энг
аввало, онгимиздаги «Бу меники эмас, давлатники!» деган ту-
шунчани бутунлай йўқотишимиз керак. Ахир ҳеч бир инсон
ўзи яшаб турган хонадонини турли чиқиндилар билан ифлос-
лантирмайди-ку?!

Демак, атроф-муҳитга ва жамоат мулкига ҳам «Сеники, ме-
ники!» деб эмас, «Бизники, халқимизники, ҳаммамизники!»
деб қарашимиз, ҳар биримиз, биринчи навбатда, ўзимизни
тарбиялашимиз керак. Негаки, машойхлар «Дунёни ўзгар-
тирмоқчи бўлсанг, аввало ўзингни ўзгартир» дейишган.

✦ **Тўйхат ўрнида**

Фикр Навқ танқ рон дчи

ҚОЗҚҚБОЙ ЙЎЛДОШ ҲАҚИДА ЁЗИШ ҲАМ ҚИЙИН, ҲАМ ОСОН.
ОСОНЛИГИ ШУНДАКИ, АКА БИЛАН ХОҲЛАГАНЧА БАҲСЛАШИШ,
ФИКРИГА ҚЎШИЛМАСЛИҚ, МУНОЗАРА ҚИЛИШ МУМКИН. АКА
БУНИ БЕҲҲУРМАТЛИҚ, ДЕБ ҚАБУЛ ҚИЛМАЙДИ, АКСИНЧА, КИШИ
БИЛМАС ТАРЗДА ИЧИДАН МАМНУН БЎЛАДИ ВА БУНИ «МУҲИМИ
ФИКР БОРЛИГИ», ДЕБ ҚИСҚА ИЗОҲЛАБ ҚЎЯ ҚОЛАДИ.

“Бошқаларни билмадим,
лекин истеъдодлилар-
нинг даъвогарлиги ор-
тида ниманидир ўзгар-
тириш, янгилаш иста-
гаи ётади. Масалан,
аканинг тенгдошлари
ҳали ҳам юз йил аввалги
модернизм билан кура-
шиб, чегарачилар каска-
сини кийиб, уни мил-
лий ҳудуддан ҳайдаб
чиқаришга уриниб ёт-
ганида, Қозққбой Йўл-
дош «постмодернизм»,
«метамодернизм» деб,
уларнинг баттар га-
шини келтиради.

сатилган ёши адашиб ёзиб юбо-
рилган деб ўйлайман. Чунки
ака соқоли бўлгани билан, ҳали
тўлиқ оқармаган, оқарди деб
ўйлаганимиз ҳам яккам-дуккам
қулранг тусда. Сочи эса ҳали
ҳам навқиронлиқни эслатиб ту-
ради: агар 40-45 ёшлилар би-
лан турса, булар тенгдош деб
ўйлайсиз. Сочининг навқирон-
лиқни эслатиб туриши бу, ме-
нимча, аканинг кўнгли ва умид-
лари ёшлигидан бўлса керак:
энди гулу гулзор ҳам ҳосил-
дор ерда очилади-да. Бундан
ташқари, ака йигирма ёшли-
лар билан ҳам, етмиш ёшлилар
билан ҳам ҳудди тенгдошдай
гаплашиб, баҳслашиб кетаве-
ради. «Адабиёт оқсоқолиман»
деган иддаоси йўқ. Адабиётдан
тортиб, ижтимоий масалалар-
гача билдирган фикри ҳам кўп-
лаб ёшларни доғда қолдиради.
Улфатчиликда ҳам анча-мунча
ёш йигитни бир чўкишда қочи-
ради. Бунга ўзим гувоҳ бўлган-
ман.

Хуллас, шулардан келиб
чиқиб, мен Қозққбой Йўл-
дошнинг ёши ҳақида жур-
налистик суриштирув ўтказиш
керакми, деб ўйлаб қоламан...

Мўътабар ёшга етганларга
юбилей баҳона тўн кийгизиш
удумимиз бор. Ака 60, 70 деган
ёшларни тан олмаган. Юқорида
ёзганларим ва ёзишга қўрбим
етмаган сифатларига қараб бе-
малол айта оламанки, бу сафар
ҳам Қозққбой Йўлдошга эмас,
75 деган рақамга тўн кийдириш
талаб қилинади.

Назар ЭШОНҚУЛ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган
маданият ходими

✦ **Қадриятлар**

MYACCCIS:

**U'zbekiston
kasaba
uyushmalari
Federatsiyasi**

ISSN 2010-5002


7 720 10 5000 0

2007-yil
11-yanvarda
O'zbekiston
Matbuot va axborot
agentligida 116-raqam
bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va
«Ishonch-Doverie»
gazetalarini
tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALIMNOV,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G'OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV
(Bosh muharrirning
birinchi o'rinbosari),
Mehrididdin SHUKUROV
(Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK
(Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir
Husan ERHATOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti –
(71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot –
(71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy
qadriyatlar va sport –
(71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar
bilan ishlash –
(71) 256-85-43
Marketing va obuna –
(71) 256-87-73

**Hududlardagi
muxbirlar:**
Qorag'alpog'iston
Respublikasi –
(+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati –
(+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati –
(+998-90) 080-93-38
Jizzax viloyati –
(+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati –
(+998-99) 889-98-02
Samargand viloyati –
(+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati –
(+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati –
(+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati –
(+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati –
(+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati –
(+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati –
(+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan
ma'lumotlarda manba
sifatida gazeta nomi
ko'rsatilib shart.
Mualliflar fikri tarbiyat
nuqtai nazaridan
farqlanishi mumkin.

Navbatchesi muharrir:
A. Haydarov

Musahhihlar:
D. Xudoyberganova,
D. Ravshanova

Sahifalovchi:
H. Abdullajilov

Bosishga topshirish vaqti – 00:10
Topshirildi – 00:30

Bahosi kelishilgan narxda

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba,
payshanba va shanba
kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning
kompyuter markazida
teriladi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: 133

**Umumiy adadi 35 129 ta
Shundan:
7 394 nusxasi**
«Sharq» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasi –
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi,
41-uyda;
19 249 nusxasi
«Erudi» MCHJ
bosmaxonasi –
Samargand shahri,
Spitamen ko'chasi,
270-uyda;
8 486 nusxasi
«Poligraf-Press»
MCHJ bosmaxonasi –
Marg'ilon shahri,
Turkiston ko'chasi,
236-«b» uyda
chop etildi.

Gazeta ofset usulida,
A2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taqboq.
Buyurtma G-611
1 2 3 4 5 6